

Аламларга бурканган неъмат

﴿النِّعْمَةُ مَحْفُوفَةٌ بِالْآَلَامِ﴾

[Ўзбекча -Uzbek -
الأَوْزَبْكِي]

Абдулвадуд Аҳмад

2009 - 1430

islamhouse.com

﴿النَّعْمَةُ الْمَحْفُوفَةُ بِالآَلَامِ﴾

«باللغة الأوزبكية»

عبد الودود أحمد

2009 - 1430

islamhouse^{.com}

Жума насиҳатлари

Аламларга бурканган нельмат

Ундан ўзга илох бўлмаган Аллохга хамд бўлсин ва У барча нарсага кодирдир. Пайгамбаримизга саловат ва саломлар бўлсин.

Бу рисолани ёзишимдан максад, Аллохга ва унинг росулига ва омма мусулмонларнинг йулига чакириш, насиҳатдир.

Баъзи дардманд инсонларнинг bemорлик, касаликнинг фойдаларидан хабарсиз бўлгандарни холида: «Эй Роббим, менга раҳминг келсачи?!» деб нола килишаётгандарини эшиздим. Асарларда келадики, Аллоҳ айтаркан: «Рахматим туфайли ато этаётган нарсамдан, яна кандай раҳм киламан?» Шунингдек, баъзи рак каби оғир, бедаво дардга чалингандарни умидсизликка тушиб колганлари, айримлари сабрлари заифлашиб, жазавалари ортиб, нолишлари зиёдалашиб кетаётгани ва Шайтон васваса килиб, ўтган камчиликлари, гунохларини ёдларига келтириб, уларни Аллохнинг раҳматидан ноумид килаётгани, тушкунликка тушириб кўяётгани хакидаги кўнгилсиз холатларни эшиздим ва кўрдим. Лекин у «...ўзаро шивир-шивирлари факт шайтон томонидан бўлиб, иймон келтирган зотлар (у сабабли) гамгин бўлишлари учундир» (Мужодала 10) Аслида эса, токи bemор, тавхидда мустахкам туриб, хатто машаккат чексада, намозларда коим бўлар экан, унга хавф-хатар йўқдир. Энди, кимки жони гаргарага келмасдан олдин тавба килиб олар экан, Аллоҳ унинг тавбасини албатта кабул килгусидир, хатто, катта гунохлар содир килиб кўйган бўлса-да. Ахлуссунна эътиқодида, барча тавхидда вафот килган, яъни Аллоҳни якка билиб кетган инсонларни куфрда вафот этмаган деб умид килинади. Хадисда келадики: Пайгамбар дедилар: «Умматимдан кимки, Аллоҳга ширк келтирмаган холда вафот этса жаннатга киради.» Абу Зарр разияллоҳу анху шунда сурадилар: «Зино килган бўлса хамми, ўгрилик килган бўлса хамми?» Пайгамбар: «Ха, зино килган бўла хам, ўгрилик килган бўлса хам» деб жавоб бердилар. Бошка хадисда Росулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва саллам : «Аллоҳдан факт яхши гумонда бўлган холингизда вафот килингиз» деб марҳамат килдилар. Хадиси кудсийда Аллоҳ таоло дейди: «Мен бандамни гумонидаман, яъни бандам Мен ҳакимда кандай гумон килса шундайдирман.» Мумин киши балолар канчалик шидатли бўлмасин сабр килиши лозим. Албатта кийинчиликдан сўнг, осонлик бордир ва дунё азоби охират азобидан енгилроқдир. Анас разияллоҳу анху ривоят киладилар: «Пайгамбаримиз ўлим тўшагида ётган бир йигитни зиёрат килдилар ва сўрадилар: «Ўзингни кандок хис этајапсан?» Йигит: «Аллоҳнинг раҳматидан умидворман ва гунохларимдан кўркайпман, ё Расулуллоҳ!» деди. Шунда Набий саллоллоҳу алайхи ва саллам : «Кайси банданинг калбида мана шу ўринда, шу икки нарса жам бўлар экан, Аллоҳ унга умид килаётгандарни нарсасини ато этиб, кўркаётгандарни нарсасидан хотиржам килади» деб марҳамат килдилар. Лекин сиз бу хадисни хужжат килиб, амалларга сусткаш бўлиб колманг. Ўлим тўсатдан келиб колиши мумкин. Умуман олганда, мумин Аллоҳнинг казосига рози бўлиб, сабр килиб яшар экан, агар хаёти давом этса ажру-савобларга эга бўлади, вафот этадиган бўлса, Аллоҳнинг раҳматига эришади. Пайгамбар марҳамат килиб: «ўлим-

муминга тухфадир» деганлар. (Табароний ривояти, санади яхши). Энди юкорида саналган нарсалардан тўгри фикрга келган бўлсангиз, инсонга касаллик етиши туфайли хам рух, хам баданга етадиган улкан фойдалар ва манфаатларни сизга баён килишга киришамиз. Лекин, тафсилотларга киришишдан олдин, мукаддима лозимдир.

Мукаддима

Аллоҳ таоло нимаики яратган бўлмасин, у яратган нарсасида мусибатланган ёки мусибатдан саломат кишиларнинг хар бири учун неъмат бордир. Хатто коғирларнинг жаханнамда азобланиши хам неъматдир. Лекин бу бошка бандалар хакки учун азобланаётган бўлсалар. Бир кавмга етадиган мусибат бошка кавм учун қўп фойдалардир. Агар Аллоҳ таоло азоб ва аламларни яратмаганда эди, неъмату-марҳаматларга эришганлар, у неъматларни кадрини билмаган ва қўпгина ато этилмиш яхшиликларни кадрига етишмаган бўлишар эди. Бу ўринда, Аллоҳ қўпгина карама-каршиликларни яратдики, улар сабабли неъматлар кадри англаради. Агар тун бўлмаганда кундузнинг кадри билинмас, агар касаллик бўлмаганда соглик-саломатликни кадри сезилмас, факирлик бўлмаганда бойликнинг нафи қўринмас, дўзах бўлмаганда жаннат кадри англалинмас эди. Ахли жаннатнинг сурори, дўзах ахлиниң аламлари хакида тафаккур килишган чогда зиёдалашиб кетади. Шунинг учун жаннат ахлига дўзах ахлиниң азобланишларини кўрсатиб турилишини неъмат деб санаса хам бўлади. Лекин, банда, даф килишга кодир бўлган балоларга сабр килиб ўтиришга эмас, балки, ўша балоларни кетказиш учун харакат килишга буюрилган. Хадисда келадики, «Кучи етмайдиган нарсани кўтариб олиб, ўзини хорлаш муминга хос эмасдир» Хал килиш ва аритиш имкони бўлмаган аламга килинган сабргина мактовга лойикдир. Шунингдек, неъматларнинг баъзилари кишига бало хам бўлиши мумкин. Киши хаёти давомида неъматлар ва балоларга рўбаро килинади. Канчалар балою мусибатлар борки, у инсонга неъмат сифатида етади. Баъзиде банда учун факирлик ва касаллик неъмат бўлиши мумкин. Чунки у инсон агар соглом бўлса ва мол-дунёси ортса, ношуқрлик килиши ва тугёнга кетиши мумкин. «Агар Аллоҳ (барча) бандаларининг ризкларини кенг-мўл килса, албатта улар Ер юзида зулм-тажковузкорлик килган бўлар эдилар.» (Шуро 27) , Баъзи инсонлар борки, иймон ва хусну хулкни истисно килганда, барча неъматлар улар учун балодир. Унинг акси эса, яъни мусибатлар уларга неъматдир. Айтайлик, маърифат ва камолот неъматдир. Гоҳида эса, унинг йўклиги инсонга фойда бўлади. Масалан, бир кишики, унга карши одамларнинг пинхона галамислиги, ёмонлиги бор. Агар унга парда кўтарилиб, у булардан вокиф бўлса, унинг гаму-кайгуси ортиб кетади. Канчалаб неъматлар бор, инсон уларга харис бўлиб, интилиб харакат килади, аслида эса у нарса унинг халокати бўлади. Ўзи аламлар ва касалликлар бўлсада, руҳлар ва баданларга даво бўлган ва инсонга комиллик ато этадиган нарсалар қўп бу оламда. Албатта яратувчиси ва вужудга келтирувчиси бўлган Зот бандасига касаллик беради ва албатта шифо хам ато килур, балолантиради ва албатта оғият насиб килур, ўлдиради ва албатта кайта хаёт берур. Аллоҳ таоло канчалаб ато этмиш улкан лаззатларини турли хил кўнгилсизлик, мусибатлар ичра яшириб кўйганки, улар лаззатларга эришиш йулида кўприк бўлгусидир. Шунинг учун хам донолар айтишганки, «неъматга неъмат билан етилмайди, роҳатга роҳат билан ноил бўлинмайди». Аслида аламлар ва машаккатлар улкан неъматдир. Чунки улар фарогатлар сабабидир. Масалан, аёл агар хомиладор бўлиш, фарзанд тугишининг аламига карайдиган бўлса,

турмушга чикмайди, оила курмайди. Лекин аёл учун она бўлиш туйгусининг лаззати у аламлардан неча-неча марталаб улкандир. Кайтанга, аёл агар фарзанд кўрмаётган бўлса, она бўлиш илинжида табибларга катнашини кўймайди.

Фойдалар

Энди буларнинг барини тушуниб олган бўлсак, касалликларнинг фойдалари, хайрли томонлари хакида сўзимизни давом эттирамиз. Бу манфаатлар юздан ортиқ бўлиб, бу ўринда муҳтасар баён киламиз:

1. Касалликнинг фойдаларидан: нафснинг ислох бўлиши ва ёмонликдан покланишидир.

«(Эй инсонлар), сизларга не бир мусибат етса, бас, ўз кўлларингиз килган нарса-гунох сабабли (етур). Яна У кўп (гунохларнинг жазосини бермасдан) афв килиб юборур». (Шуро 30) Бандага агар мусибат етса: «Каердан келиб колди ўзи бу? Ким бу дардни мени бошимга солди?» демасин. Мусибат гунох туфайлигина етур ва бунда хушхабар ва огохлантириш бордир. Тўзукрок уйлаб кўрсак, дунё мусибатлари гунохларимиз учун тортаётган укубатларимиз холос. Бир хадисларида Пайгамбаримиз: «Мумин кишига ахлида, молида, фарзандларида балою-офатлар устма-уст кела бошлайдики, шулар туфайли гунохлари кечирилганидан, Аллохга хеч кандай хатоси колмаган холда рубаро бўлади» дедилар. Агар бандада ўйламаган, эсидан чикарган гунохлари бўлса, Аллох у сабабли гам-кайгу ёки касаллик билан балолайди. Бу яна шунга ишоратки, дунёнинг бир соат аччиклигини кўтариш алами охиратдаги абадий аламни кўтаришдан афзалрок. Салафларимиз айтишган экан: «Агар дунё мусибатлари бўлмаганда эди, киёматга хеч вакосиз (яъни хеч кандай савобларсиз) борган бўлар эдик».

2. Касаллик фойдаларидан: охиратда, кишига етган касалликдан кўра бир неча баробар лаззат ва сурурни келтириши. Чунки дунё аччиклиги охират халоватидир, акси эса аксидир. Шунинг учун хам Пайгамбаримиз: «Дунё мумин учун зиндон, кофир учун жаннатдир» деб марҳамат килганлар. Яна марҳамат килиб: «Ўлим муминга тухфадир» дедилар. (Ибн Аби Дунё ривояти, санади хасан). Агар бандага касаллик ёки мусибат етса ва у Аллохга хамд айтса, у умид килаётган савобни устига, унга жаннатда «хамд уйи» деб аталмиш бир уй бино килинади. Жобир розияллоху анху ривоят килиб айтадилар: Пайгамбаримиз дедилар: «Одамлар киёматда бало ахлига берилаётган савобни кўрганларида, дунёда терилари кайчилар билан киймаланган бўлишини орзу килиб коладилар» (Термизий ривояти)

3. Касаллик манфаатларидан: Аллохнинг беморга якин бўлиши ва бу эса хос якинликдир.

Хадиси кудсийда Аллох таоло дейди: «Эй Одам боласи! Фалончи бандам касал бўлди, кўргани бормадинг, агар борганингда уни хузурида Мени топган бўлардинг»

(Абу Хурайрадан Муслим ривояти)

4. Касаллик фойдаларидан: У билан банданинг сабри билинади. Айтганларидек: «Агар имтихонлар бўлмаганда эди, сабрнинг фазли зохир бўлмаган бўлар эди». Инсон агар сабрга эришса, у кўп яхшиликларга эришибди. Агар йўкотса, у холда барча яхшиликларни йўкотибди. Аллох таоло банданинг сабрини ва иймонини имтихон килади, шунда ёки тилла хосил бўлади ёки чикинди. Анас разияллоху анху ривоят киладилар: Росулуллох саллоллоху

алайхи ва саллам дедилар: «Албатта мукофотнинг катталиги, балонинг катталиги биландир. Агар Аллох бир кавмни яхши кўрса, уларни балолантириб кўяди. Кимки рози бўлса, унга хам розилик, кимки газаб килса, унга газаб насиб бўлгусидир». Агар Аллох бир бандасини яхши кўриб колса, унинг гамини зиёдалаштириб кўяди. Агар газаб килса, унинг дунёсини кенгайтириб кўяди, хусусан, банда динини зое килса. Банда мусибатларга иймон ва сабот ила сабр килса, у сабрлилар девонига ёзиб кўйилади. Агар ундан розилик хосил бўлса, уни рози бўлганлар девонига ёзиб кўйилади. Бандадан хамд ва шукр хосил бўлар экан, Аллох тақдир килган барча казолар унинг учун хайрли бўлиб колаверади. Сухайб разияллоҳу анху ривоят киладилар: «Пайгамбаримиз саллоллоҳу алайхи ва саллам дедилар: «Муминнинг барча ишлари хайрли эканига хайрон коламан. Агар унга хурсандлик етса шукр килади. Бу унинг учун хайрлидир. Агар мусибат етса сабр килади ва бу хам у учун хайрлидир. Бу факат мумингагина хос. Аллохнинг мусулмон учун белгилайдиган хар бир тақдири хайрлидир.» (Муслим ривояти) Бошка бир хадисда Росулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва саллам : «Мумин хар бир иши учун ажрланади» дедилар (Ахмад ривояти). Мумин киши Аллохнинг тақдири ила етган барча мусибатларга кўниши, рози бўлиши керак. Аллоҳим! Бизни ато килсанг шукр киладиган, гуноҳ килса Сенга истигфор айтадиган, агар мусибат етса сабр киладиган бандаларингдан килгин.

5. Касаллик фойдаларидан ва Аллохнинг бандасига тукис ато этмиш неъматларидан: Аллох бандасига зарар ва каттикликларининг нозил этиши сабабидан, Ўз даргохига илтижо килишга, панохига кочишга, тавхидига суюнишга ва калбини динини холис килган холида Роббисига дуо килишга ундайди.

Балолар юбориб, дуога ундейдиган, неъматлар ато килиб, шукрға чакирадиган зот кандай хам Пок! Тобеинлардан Вахб ибни Мунаббих айтган эканлар: «Балолар, аслида дуоларни юзага чикариш учун тушади» Аллох таоло шундай дейди: «Качонки Биз инсонга (неъмат-давлат) инъом килсак, у (Бизга шукр килишдан) юз ўгирап ва ўз томонига кетар (яъни, Бизни унутар). Качон унга ёмонлик (камбагаллик-кулфат) етиб колса эса у узундан-узок дуо-илтижо эгасидир». (Фуссилат 51) Мусибат этиши сабабидан бандада таваккул, тазарру, ихлос билан дуо килиш каби иймони ва ишончини зиёда киладиган ишлар хосил бўлади. Яна касалликнинг кетишидан хам кўра фойдаси улканрок бўлган, инобат-Аллоҳга кайтиш, иймон халовати ва уни тотиш лаззати каби холатлар хам, шу мусибат туфайли юзага келади. Аллоҳгагина динни холис килган холида ибодат киладиган тавхид ахли уларга етаётган мусибатларга сабр килишади, дарров сехргар ёки фолбинга югуриб колишмайди, ширк ахлига ўхшаб кабристонларга бориб олиб, азиз авлиёларнинг кабрларидан мадад сўрамайдилар. Балки касаллик ёки мухтожлик етса, ёлгиз Аллоҳдан ёрдам сўрайдилар, агар паноҳ тилашса, ёлгиз Аллоҳдангина паноҳ тилайдилар. Бу каби якка Аллоҳдангина мадад кутиш намунаси Айуб алайхиссаломнинг хаётларида яккол кўринади: «Айубнинг Парвардигорига нидо килиб: «(Парвардигорим), мени бало ушлади. Ўзинг раҳм-шафкат килгувчиларнинг Раҳмлирогидирсан», деб илтижо килган пайтини (эсланг)!» (Анбиё 83) Айуб пайгамбарнинг балою-мусибатларини ўйлаб кўринг, бор мол-мулклари, фарзандларидан ажралдилар, ўзлари оғир дардга йўлиқдилар. Бу аламларнинг улканлигига карамай, у зот эртаю-кеч Аллоҳга хамд айтар, эртаю-кеч Аллоҳдан бу имтихонлар учун рози бўлар эдилар. Чунки, у киши барча ишлар Аллохнинг

кўлида эканини билар, дарду аламлари хакида хеч кимга шикоят килмас эдилар. Нихоят Роббилирига сидк ила нидо килдилар: «Эй Роббим мени бало ушлади, ўзинг раҳм килувчиликнинг Раҳмлирогисан». Шунда Аллох таоло балони кўтарди ва у зотни мактаб, шундай деди: «Дарҳакикат, Биз (Айюбни) сабр килгувчи холда топдик. У накадар яхши бандадир! Хакикатан, у (Аллох рози бўладиган йўлга) кайтгувчидир. (Сод 44)

Мутаржим Бобур Ахмад

6. Касалликнинг фойдаларидан, банда томонидан тааббуд-кулчиликнинг турли кўринишларини зохир бўлишидир.

Аллох таоло калбларга убудиятнинг турли кўринишларини жо килган. Канчалар бало ва аламлар, бандаларнинг тўгри йўлга–истикоматга тушиб олишларига ва Аллох сари юриб, залолатдан узок бўлишларига сабаб бўлган. Канчалаб одамлар факт согликларини йўқотгачгина Аллох томон юзланишган, динларига кизикиб, намозларини бошлаганлар. Демак, бу касалликлар, улар учун улкан бир неъмат бўлган. Шундай эмасми? Лекин **«Одамлар орасида Аллохга бир четда (яъни, сидкидилдан эмас, тил учида) ибодат киладиган кимсалар хам бордир. Бас, агар унга (диндор бўлгани шарофатидан) яхшилик етса, уша сабабли хотиржам бўлур, агар бирон фитна-баҳтсизлик етса, (диндан) юз ўгириб кетур. У дунё-ю охиратда зиён кўур»**. (Хаж 11) Бу шунга далолат киладики, ибодат бандага хотиржамлик кунларида фарз бўлганидек машаккатли кунларида хам фарзdir. У ёқтиргмаган холатда хам, унга ёккан ўринда хам фарз. Кўпгина инсонлар ибодатни факт яхши кунларида, саломат пайтларида гина адо этишади. Кийинчиликка йўликсалар тарк киладилар. Мана бу ўринда бандаларнинг мартабалари тафовут килади. Шунга караб, уларнинг Аллох назидаги манзилатлари–ўринлари белгиланади. Агар жаннат ахлидан бўлса, унга келаётган кўнгилсизликларга карамай, хидоят йўлида давом этиб бораверади ва дунёдан мусаффо, пок холида чикади. Ривоят килишадики, Урва ибн Зубайр гангрена-суяқ чириши касалига йўликиб, табиблар оёгини кесишадиган бўлганда, айтган экан: «Аллоҳим мени етти ўглим бор эди, биттасини олиб, олтитасини колдирдинг. Тўрт мучам бут эди, биттасини олиб, учтасини колдирасан. Сен нимаики мусибат берсанг, аниқки оғият хам берасан, нимаики олсанг аниқки, албатта эваз берасан» Амалиёт тугагач эса, кесилган оёкни кулларига олиб кўрарканлар, дедилар: «Албатта Аллох биладики, мен сен билан бирорта хам маъсият бўлган ўринга бормадим» дедилар, сўнгра мадиналик шоир Маън ибн Авснинг кўйидаги байтларини ўқидилар:

Шубҳали нарсаларга чўзмадим хеч кўлимни,
Оёкларим фахшдан тўсиб қўйди йўлимни.
Кулогу кўзларим хеч бузукликни хушламас,
Фикр хамда хаёлим ифлосликка бошламас.
Менга келган мусибат факт менга етибми?
Аввал ўтган салафлар хеч мусибат кўрмабми?

7. Касаллик фойдаларидан яна бири, Аллох таоло бандасини кибр, ўзига бино кўйиш, мактанчоклик каби ёмон сифатлардан касаллик бериб, у иллатлардан поклайди.

Агар банда ўзининг эски холатида давом эта берса, хаддан ошади, тугёнга кетади, каердан келиб, каерга кетаётганини хам унугиб кўяди. Лекин Аллох таоло унга касалликлар, дардлар ва офатлар каби мусибатларни хукмрон килиб кўяди. Банда хоҳламасада, касал килади, ёқтирмасада, мажбурлаб очлик беради. Инсон ўзига на фойда ва на зарап, на ўлим ва на хаёт бера олади. Баъзида инсон бир нарсани билишни хоҳлайди, лекин, Аллох уни билдирилмайди. Бир нарсани эслаб колишга харакат килади, лекин Аллох уни унугтиради. Баъзида бир нарсани истайди, лекин у унинг фожеаси бўлиши мумкин, бир нарсани ёмон кўради, у унинг хаёти бўлиши мумкин. Инсон кеча-кундуз бирор лахзасида хам хотиржам бўлмасинки, хар дакикада Аллох унга ато килган кўриш ва эшитиш неъматидан маҳрум килиб кўйиши, аклини кетказиб кўйиши, роҳатланиб, баҳраманд бўлиб турган дунёсини тортиб кўйишга кодирдир. Ожизгина инсонча ўзини хеч нарса билан химоя кила олмайди. Ўзини бир таниб олсинчи, ундан хам хакиррок ким бор??? Шундай экан, нодонлиги сабабли Аллохга ва унинг яратган халкига мутакаббирлик килишга хаклимикан? Баъзи инсонларга Аллох фазли ила бойлик ато этса, ўзини бехожат сеза бошлайди. Баҳиллиги ортиб, манмансираши зиёдалашиб кетади ва мутакаббирлик касбига айлана бошлайди. Шунда Аллох таоло унга касалликлар ва офатларни жўнатиб кўяди. Ким бўлишидан катъий назар бемор кишини калби синик, кўнгли яримта бўлади. Бу кўнгил синиклиги унда дард ва касалликдан вужудга келади. Инсонда бу мусибат туфайли тазарру ва буйсуниш, хокисорлик юзага келади, Аллохга курбати ортади. Бу касалликнинг катта фойдаларидандир. Аллох: «Мен хокисорлар билан биргаман» дейди. Бу ерда уч тоифанинг дуосини ижобат бўлишлик сири бордир. Бу тоифалар мазлум, мусофири ва рўзадордир. Буларнинг хар бирининг калбидан синиклик бордир. Мусофири гурбатга ўзига бир якини йўклигидан кўнгли синик, рўзадор очлик машаккатидан, мазлум зулмдан, касал одам дарддан кўнгли синикдир. Аллох бандасига яхшиликни ирода этса, унинг дардига даво бериб, уни халокатли мусибатдан фориг килиб, оғият, саломатлик ато килади.

Бу касалликлар унга пархез, сакланишдир. Балою-офатлар бериб марҳамат кўрсатган, неъмат бериб, балолаган Зот кандай хам улугдир. 8. Касаллик манфаатларидан бири, бандани енгилликка интизор бўлиши, роҳатга эришишни кўтишидир.

Нажотни кутиш ибодатларнинг афзалидандир. Бу банди калбини ёлгиз Аллохга боғлайдиган ишдир. Бу мусибатлар ва дардлар ахлига малхам ва юпанчдир. Хусусан, бемор, инсонлар тарафидан шифо топиш умиди узилиб, нажоти кесилган чогда, ёлгиз Аллоҳдан нажот илинжида бўлиб колади ва: «Эй Роббим! Касалимга Сендан ўзга шифо истайдиганим хеч ким колмади!» деб нола килади. Ана шунда Аллохнинг изни ила шифо хосил бўлади. У хожатлар сўраладиган энг улкан сабаблардандир. Зикр килишадики, бир bemor, табиблар унинг дардига шифо топиш иложсиз, дейишгани хакида хабар топади. Бемор рак-саратон касали билан оғриган эди. Аллох уни сахарларда дуога, илтижога илхом килди. Дуоларни сабаб килиб, бироздан сўнг шифо нозил этди. Бу нажот билан каттик кийинчилик бир-бирига якин, боглик эканининг латиф сирларидандир. Банда одамлардан батамом умидини узиб, ёлгиз Аллохнинг ўзидан мадад, ёрдам кутади ва шунда Аллоҳдан ёрдам келади. Убудиятнинг бу кўриниши факатгина шундай шиддатли аламдан сўнггина хосил бўлиши мумкин. «Хар качон ўша пайгамбарларимиз ноумид бўлиб: «Бизлар ёлгончи килиндик-пайгамбар

эканимизга ишонмадилар», деб ўйлай бошлаганларида, уларга Бизнинг мададимиз-галабамиз келиб, биз хохлаган кишиларга нажот берилар эди». (Юсуф 110)

9. Касаллик фойдаларидан: Агар банда хотиржамлик кунларида ибодат ва Аллох маърифати йўлида бўлар экан, Аллох таоло бандага, беморлик етган дамларида хам унга солих амалларни номаи аъмолига битиб, саклаб кўяди. Бу Аллохнинг карами ва фазилатидир.

Бу гунохларнинг каффорат килиб юборишдан-да юкори турувчи марҳамат. Банда хушида бўлмаса хам, ёки акли кетиб колса хам, токи Аллохнинг хидоятида бўлар экан, унинг хаккига хасанотлар ёзилиши давом этаверади. Аллохни хотиржамлик, осойишталиқ кунларингизда зикр килишингиз, ёд килишингиз, Аллох хам сизни огир мусибатли кунларингизда зикр этишига сабабдир. Гарчи инсон огир касал бўлиб, хатто, акли-хуши кетиб колса хам, унга маъсият эмас, худди фаровонлик кунларида яхши амаллар килгани каби яхшиликлар битилгусидир. Абдулох ибни Умар розиялоҳу анху ривоят киладилар: «Росулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва саллам дедилар: «Одамлардан кимки танасига бир касал етиб, мусибатланар экан, Аллоҳ азза ва жалла унга кўрикчи бўлган малоикаларига шундай буюар экан: «Бандам учун, худди у соглик кунларида хайрли амаллар килгани каби кеча-ю кундуз яхшиликларни ёзинглар». (Имом Ахмад ўз «Муснад»ларида келтирганлар)

10. Касаллик манфаатларидандир: Банда жаннатдаги манзиллардан амаллари билан ета олмайдиган даражага, Аллоҳ унинг танасига дард бериб, мусибатлашлик билан, у манзилга етказади.

Ибни Хиббон ўз сахихларида Абу Хурайрадан ушбу хадисни ривоят киладилар: «Расулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва саллам дедилар: «Киши учун Аллоҳ хузурида манзилати, ўрни бўлади. Банда унга амаллари билан эриша олмайди. Хаёти давомида, Аллоҳ уни у ёқтирган балою-мусибатлар ила балолантириб боради ва окибатда, уни жаннатдаги манзилига эриштиради, етказади». Салом ибн Мутиъ шундай дер эканлар: «Аллоҳим, Сен солих бандаларингни юксак даражаларингга уларга мусибатлар юбориш билан етказар экансан, мени ўша манзилга офииятинг ила етказгин».

11. Касаллик фойдаларидан: Банда, офият ва сихат-саломатлиги неъматининг кадри-кйматини билишидир.

Агар инсон офият ичра улгайса, балоланган инсон бошидан кечирадиган аламларни билмасдан хаёт кечиради ва ўзидаги соглик неъматини хис этмайди. Качонки банда мусибатга йўликса, аввалги саломатлик холатига кайтишни ва Аллоҳ таоло офият, сихат-саломатлик ила неъматлашини орзу килади. Касаллик бўлмаса, согликнинг кадри билинмайди, тун бўлмаса кундузнинг кадри сезилмайди. Бу карама-каршиликлар бўлмаса кўплаб неъматлар, марҳаматлар танилмасди. Хар кандай касал хам, агар атрофига караса, ўзиданда оғиррок касалга мубтало бўлган касалларни кўриши мумкин. Бас, Аллоҳга хамд айтсин. Хар кандай манман деган бой хам, мундок ён-верига караса, ўзидан анча бойрок кишиларни топади. Хар кандай ўзини факир санайдиган инсон хам, ўзидан-да факиррок минглаб кишиларни кўриши мумкин. Албатта, касалликда кўплаб

манфаатлар ва фойдалар бордирки, инсон уларни билишдан гофилидир. «Шоядки, сизлар ёмон кўрган нарса сизлар учун хайрлидир.» (Бакара-216) Банда бало-мусибатга йўликкан инсонни кўрган чогида: «Сени балолаган (синов берган) нарсадан мени соглом этган Аллохга хамд бўлсин» дейди. Аллох уни хамд айтгани туфайли балодан саломат саклайди. Мусибат етган инсон эса сабр килар экан, улкан ажру-савобга эришади.

Шуниси таажжубланарлики, банда агар дунёсига бокса, ўзидан юкоридагига карайди. Динига бокадиган бўлса-чи, у холда, ўзидан пастрокка карайди ва уни:«Биз динда бошкалардан кўра афзалрокмиз» деяётганини эшитасиз. Лекин ушбу сўзларини дунёси хусусида айтмайди. Кимки касаллликлар аламини тортиб кўрар экан, сиххатни кийматини билади. Ривоят килишадики, Фузайл ибни Иёзнинг кичик ёшли кизлари бор эди. Кунлардан бири, кизнинг кафтига бир яра чикди. Фузайл ундан: «Кизим, кафting тузумки?» деб сўради. Шунда киз: «Рахмат, отажон яхшиман. Аллохга касамки, гарчи Аллох мени танамни оз кисмига дард берган бўлса-да, жисмимни кўп кисмига оғият ато этгандир. Кафтига касаллик берди, колган аъзоларимни эса сог колдириди. Бунинг учун Аллохга хамд бўлсин» деб жавоб берди.

12. Касаллик фойдаларидан: Касаллик, бандага Роббиси тарафидан ато этилган эхсон ва рахматдир.

Аллох бандани азоблашлик учун эмас, балки унга рахм килиш учун яратгандир. «Агар шукр килсангизлар ва иймонли бўлсангизлар, Аллох сизларни нега азобласин?! Ахир Аллоҳ (бандаларининг тоат-ибодатларига савоб ато этиш билан) Шукр килувчи ва Билгувчи бўлган Зот-ку?!» (Нисо-147)

Лекин инсонларнинг кўпчилиги, Аллохнинг хикматидан жохилдирлар. Масалан, ота касал боласига мажбурлаб дори ичираётганда, боланинг инжиклик килиб йиглаётганини кўриб, онаси: «Ахир унга рахмингиз келса-чи?!» деб маломат килади. Гарчи бу ишни ота болани яхши кўрганидан, унга рахми келганидан килаётган бўлса хам. Олий мисоллар эса Аллохникидир. Банда етган мусибат учун Роббисини айбламасинда, балки ато этмиш эхсони учун У Зотга хамд айтсин. Шоир айтганидек:

Балким сенинг машаккатинг ортида хамдга лойик неъмат бордир,

Ахир баъзида баданлар касалликлар билан хам шифо топгуси-ку!

13. Касаллик фойдаларидан: У кўпгина бошка касалликлардан саломат бўлишга сабабдир.

Аламлар бўлмаса эди, оғиятлар хосил бўлмас эди. Бу нарсалар касалликлардаги улкан бир ишдир. Булардан масалан иситма касаллиги. Ундаги бадан учун манфаатларни канчалик улканлигини Аллохнинг ўзигина билади. Иситма танадан организм учун кераксиз чикитларни хайдаши ва баъзи бир заарли моддаларни чикириши билан бирга усиз ана шу касалликдан шифо хосил бўлмайди. Баъзи бир тажрибали шифокорларни айтишича, кўпгина касалликлар сабабидан юзага келадиган иситма, бемор учун оғият, тузалиш башоратидир. Ўша холатда bemornining иссиги чикиши ва xарорatinining кўтарилиши uning учун дори кабул килишданда фойдалироқдир. Иситма сабабли тузаладиган

касаликлардан офтальмия деб номланадиган кўз касаллиги, фалажлик ва юзни тортишиб, фалаж бўлиб колиши кабилардир. Иситма касалликларга шифо бўлишидан хам кўра каттарок фойдаси, у гунохларни каффорат бўлиши учун энг афзал касалликдир. Муслим Жаброндан ривоят киладики, Пайгамбар саллоллоҳу алайхи ва саллам бир куни Умми Соибнинг хузурига кирдилар ва: «Сизга нима килди?» деб сўрадилар. У аёл: «Иситма, ундан кийналиб кетдим» деб жавоб бердилар. Пайгамбар саллоллоҳу алайхи ва саллам : «Иситмани ёмонламанг, у одам боласининг хатоларини худди, боскон темирнинг устидаги кирини кетказганидек кетказади» дедилар. Имом Ахмад сахих санад билан Ибн Умардан ушбу хадисни ривоят киладилар: «Бир кунлик иситма бир йиллик гунохларга каффоратдир». Имом Ахмад ва Насойи Абу Саид разиялоҳу анхудан ривоят киладилар: «Бир куни бир киши Расулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва салламдан сўради: «Ё Расулуллоҳ биз учун касалликларда нима бор? Расулуллоҳ: «Каффорат бор» дедилар. Шу сухбатда иштирок этаётган Убай ибн Каъб сўрадилар: «Ё Расулуллоҳ оз микдорда бўлса хамми?» Расулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва саллам : «Бир тикан киришидан бошлаб ундан юкоригача» деб жавоб бердилар. Шунда Убай ўзига дуо килиб, Аллоҳдан хаждан, умрадан, жиходдан, жамоат намозидан тўсмайдиган доимий иситмани сўради. Ровий айтадиларки, Убай ўзига шу дуони килганидан кейин, унинг кўлинини ушлаган киши уни хамиша иситма холида топарди. Бу хол то унинг вафотигача давом этди.

Муъмин ўзига офият тилашга маъмур, ўзига бало тиламайди. Лекин ўзига этаётган балоларга нисбатан Аллоҳ таоло хозирлаб қўйган мукофотларни тасаввур килса, боши узра турган балонинг кетмаслигини орзу килади. 14. Касаллик фойдаларидан: Аллоҳнинг бандани огохликка чакириши, кўркитишидир.

«Мана Биз уларни азоб-очарчилик билан ушладик. Улар эса на Парвардигорга буйин эгдилар ва на тавба-тазарруъ килдилар.» (Муъминун-76)

Бошка оятда эса: «Шояд (куфрдан иймонга) кайтсалар, деб биз уларни (турли) азоб билан ушладик.» (Зухруф-48) Аллоҳ бандага нимаики мусибат бермасин, уни Роббисига кайтсин учун, азобдан огохлансин ва кўрксин учунгина беради. Имом Абу Довуд Омир разияллоҳу анхудан ушбу хадисни ривоят киладилар: «Агар муъминга бир касаллик етиб, сўнгра ундан шифо топса, бу унга ўтган гунохларига каффорат, келажак хаёти учун эса, бир мавъиза, огохлантириш бўлади. Мунофик эса касаллик етиб, сўнгра шифо топса, бир туяга ўхшайдики, эгаси уни боялаб кўйди кейин эса ечиб юборди. У тия нима учун боялаб кўйишди-ю, нима учун ечиб юбориши, англамайди».

15. Касалик манфаатларидан: Касаллик етиши сабабли бандада шукр килишлик юзага чикади.

Биринчидан, агар банда саломатликдан сўнг дардга мубтало бўлса, бутун калби билан офииятга мушток бўлади. Иккинчидан, дуо деб атамиши Аллоҳнинг тортикларига мушарраф бўлади. Чунки тақдирни факт дуогина ўзgartириши мумкин. Муъмин Аллоҳга дуо килишда давомий бўлиши ва жохил инсон каби: «Етар дуо килганим, ахволимни кўриб турибди!!!» демасин. Аллоҳ бандани дуо килишга амр этган ва кайтанга, дуо-илтижо килмас экан, Аллоҳ ундан газаб

килади. Аллохнинг бандага баъзида офият бериб, баъзида эса касаллик бериши унга шу неъматни кадрини англатиш учундир. Качонки Роббиси уни касаллик, факирлик ва хавф торлигидан хотиржамлик, офият ва бойлик кенглигига кўчирад экан, маърифати даражасига караб, банданинг суури ва Роббисига бўлган мухаббати зиёда бўлур. Энди унинг ахволи офият ва бойлик ичра яшаб, бошқаларнинг холини сезмайдиган ёш бола каби бўлмайди.

16. Касаллик фойдаларидан: Банда ўзининг ожизлиги ва Аллохга муҳтожлигини англашидир.

Еру-осмон ахли хаммаси доимо Аллохга муҳтождирлар. Улар факирдирлар, Аллоҳ эса бой-бехожатдир. Агар Аллоҳ бандасига ушбу касалликларни бериб кўймаса, банда ўзини унутиб кўяди. Ким бўлишидан катъи назар, касал бўлар экан, Аллохга муҳтожлигини хис этади. Балким сиз ушбу далилларни ўқиб кўриб: «Дунёда етадиган балолар неъматларданда фойдали экан, демак, Аллоҳдан бало сўраш лозим эканда?» дейишингиз мумкин. Биз сизга айтамизки, йўқ ундей эмас, Расулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва салламни Тоиф ахли ўз шахарларидан тошбўрон килиб қувишганида, дуо килган эдилар: «Агар ушбу етган мусибат менга Сенинг газабингдан бўлмаса, мен бунга парво килмасман. Лекин офият ато килишинг мен учун ёкимлироқдир». Яна ривоят килишадики, Аббос Расулуллоҳ саллоллоҳу алайхи ва салламдан дуо ўргатишни сўраганларида, Пайгамбаримиз: «Аллоҳдан авф ва офият тилагин. Албатта У хеч кимга катъий имон-ишенчдан кейин офиятдан кўра афзал неъмат ато этмади». Хасан айтган эканлар: «Ёмонликлардан холи яхшилик, бу-шукри бўлган офиятдир». Канчалаб неъмат ато этилмиш инсонлар борки, уларда шукр килиш йўқдир. Бу нарсалар далилларсиз хам очик-ойдиндир.

Аллоҳдан дунёда биз учун тамомий неъматлар ато этишини ва биздан балоларни кетказишини сўрашлигимиз даркор. Лекин, агар банда мусибатланиб колса, у холда сабр ва Аллохнинг казо-тақдирига рози бўлиши лозим. Рисоламни шу билан тугатаманки; касаллик жазо, укубат эмас балки неъматдир. Касалликда бир неча хил лаззатлар бор. Улардан:

1. Касал киши бурканиб турадиган гамхўрлик ва якин кишилари ва кариндошлари тарафидан кўимилиб турадигани яхши кўриш, мухаббат лаззати.
2. Касал киши Аллохга муҳлис бўлиб, музтар холатда туриб, илтико килаётган соатида топадиган улкан лаззат.
3. Тўшакка михланиб, касал бўлиб ётган кийинчилик лахзалари ўтиб, офият дамлари келганда, касаллик интихосига етганда, дуолар, илтижолар ва нолалар ижобат этилганда Аллоҳдан миннатдорлик, розилик, хурсандлик лаззати. Касални ёки бечораҳол одамни зоҳирига караб хукм килмаслик керак. Балким хароб девор ортида ажойиб каср ёки баҳайбат эшик ортида хароба кулба бўлиши мумкин.
4. Муқаммал тенглик лаззати. У хаёт конунидир. Касаллик бой билан факир ўртасини ажратмайди. Агар касаллик факат факирлик ёки муҳтожлик сабабли яхши тўйиб овкатланмасликдан бўлганда эди, касаллигу-дардлар факат факирлар олдида тўхтаган бўлар ва бадавлатлар эса бундан халос бўлишган

бўлар эди. Лекин касаллик, хакир билан обрўлини фаркламайди. Унинг учун барча инсонлар тенгдирлар.

Ушбу рисолани нихоясига етказар эканмиз, Аллохга хамду сано айтамиз. У Зотдан улкан лутфу карамини, дунё ва охиратда гўзал сатр ила бизни айбу нуксонларимизни беркитишини сўраймиз. Яна Аллоҳдан неъматларини завол топиб, тугаб колишидан, офиятини кетиб колишидан, тўсатдан келиб коладиган икобидан ва жамики газабларидан паноҳ тилаймиз.

Пайгамбаримиз Мухаммад ва ул зотнинг оила аъзоларига саловот ва саломлар бўлсин.

Ассалому алайкум ва роҳматулоҳ ва барокатух.

Мутаржим Бобур Аҳмад